ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

186 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш хақида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Дехкон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари турисида» 2010 йил 26 апрелдаги ПК—1326-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ−1326-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 8 июнь, 112-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июндаги 112-сон қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қуллаш тартиби турисида» 1994 йил 26 декабрдаги 621-сон қарорининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
- «4. Белгилаб қуйилсинки, 2010 йил 1 октябрдан бошлаб ахоли билан пул хисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қулланилаётган назорат-касса машиналари ягона техник талабларга мувофиқ булиши керак ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий булинмаларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатланиши лозим.

Сертификатга эга булмаган ёки белгиланган ягона техник талабларга

жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланиш, шунингдек бундай машиналардан фойдаланган холда чек берилиши айбдор шахсларни қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос хисобланали».

- 2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларида:
 - а) қуйидаги мазмундаги 4-1-банд қушилсин:
- «4-1. Товарларнинг олиб кирилишини ва божхона божлари амалда тўланганлигини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб 12 ой ўтгандан кейин ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича тайёр импорт истеъмол товарларини сотувга қўйиш ва чакана сотишга йўл қўйилмайди»;
 - б) 189-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«товарларнинг олиб кирилишини ва божхона божлари амалда тўланганлигини тасдиклайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб 12 ой ўтгандан кейин ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофик руйхат буйича тайёр импорт истеъмол товарларини сотувга куйиш ва чакана сотиш»:

в) қуйидаги мазмундаги 3-илова қушилсин:

«Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига 3-ИЛОВА

Товарларнинг олиб кирилишини ва божхона божлари амалда тўланганлигини тасдиклайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб 12 ой ўтгандан кейин сотувга қўйилишига ва чакана савдода сотилишига йўл қўйилмайдиган тайёр импорт истеъмол товарлари РЎЙХАТИ

T/p	Товарнинг қисқача номи	ТИФ ТН коди	
I. Тикувчилик буюмлари, устки трикотаж, ички трикотаж, спорт трикотажи, пайпоқлар			
1.	Пальто, яримпальто, ёпқичлар, плашлар, калта камзуллар (шу жумладан чанғи камзуллари), ветровкалар, сув ўтказмайдиган махсус кийимлар ва шунга ўхшаш буюмлар	6101, 6102, 6201, 6202	
2.	Костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блейзерлар, шимлар, кукракка тутиладиган фартукли ва лямка (елка тасма)ли комбинезонлар, жакетлар, куйлаклар, юбкалар, юбка-шимлар, бриджилар ва калта шимлар (чумилишда кийиладиган калта шимлардан ташқари)	6103, 6104, 6203, 6204	
3.	Эркаклар ёки ўғил болалар учун кўйлаклар	6105, 6205	
4.	Аёллар ёки қизлар учун блузкалар, блузлар ва блузонлар	6106, 6206	

T/p	Товарнинг қисқача номи	ТИФ ТН коди	
5.	Кальсонлар, трусилар, тунги кўйлаклар, пижамалар, ювиниш халатлари, уй халатлари хамда эркаклар ва ўгил болалар учун шунга ўхшаш	6107, 6207	
6.	буюмлар Комбинациялар, пастки юбкалар, трусилар, панталонлар, тунги куйлаклар, пижамалар, пеньюарлар, ювиниш халатлари, уй халатлари ва аёллар ёки қизлар учун шунга ўхшаш трикотаж буюмлар	6108, 6208	
7.	Майкалар ва бошқа ички фуфайкалар	6109, 6207 91 000 0, 6207 99 000 0, 6208 91 000 0, 6208 92 000 0, 6208 99 000 0	
8.	Свитерлар, пуловерлар, кардиганлар, нимчалар ва шунга ўхшаш трикотаж буюмлар	6110	
9.	Болалар трикотаж кийимлари ва болалар кийимлари учун анжомлар	6111, 6209	
10.	Спорт, чанғи ва ювиниш костюмлари. Бошқа кийим-кечак буюмлари (трикотаж кийимлардан ташқари).	6112, 6211	
11.	5903, 5906 ёки 5907 ТИФ ТН товар позицияли трикотаж полотнодан тикилган кийим-кечак буюмлари	6113 00	
12.	Бошқа трикотаж кийим-кечак буюмлари	6114	
13.	Колготкалар, чулкилар, гольфлар, пайпоклар ва патаклар ҳамда бошқа пайпоқлар, шу жумладан босим тақсимланган компрессион пайпоқлар ва тагчармсиз трикотаж пойабзал	6115	
14.	Қўлқоплар ва трикотаж митенкилар	6116	
15.	Кийимлар учун бошқа тайёр анжомлар	6117 10 000 0 — 6117 80, 6217 10 000 0	
16.	Бюстгальтерлар, камарлар, корсетлар, шимни кўтариб турадиган икки елкага осиладиган тасмалар, пайпоқ боғичлари ва шунга ўхшаш буюмлар ва уларнинг қисмлари	6212	
17.	Рўмоллар	6213	
18.	Шолрўмоллар, шарфлар, кашнелар (шарфлар), мантильялар, вуаллар (шляпанинг юзни бекитиб турадиган тўри) ва шунга ўхшаш буюмлар	6214	
19.	Галстуклар, капалакнусха галстуклар ва бўйинбоглар	6215	
20.	Қулқоплар ва митенкилар	6216 00 000 0	
	II. Тюл-гардин полотноси ва ундан тикилган буюмлар		
1.	Трикотаж тюл-гардин полотноси. Пардалар (шу жумладан эшик ва дераза пардалари) ва ички дарпардалар, эшик ёки дераза пардасининг устки безакли қисмлари ёки кроватлар учун тўр ҳошиялар	6005 31 100 0, 6005 32 100 0, 6005 33 100 0, 6005 34 100 0, 6006 31 100 0, 6006 32 100 0, 6006 33 100 0, 6006 34 100 0, 6303	
III. Кўрпа-тўшак ғилофлари, пахмоқ сочиқлар, чойшаблар			
1.	Кўрпа-тўшак, ошхона, хожатхона ғилофлари	6302	
IV. Чарм пойабзал			
1.	Резина, пластмасса тагчармли, тоза чармдан ёки турли материаллардан тикилган пойабзал, устки қисми тоза чармдан тикилган пойабзал	6403	

T/p	Товарнинг қисқача номи	ТИФ ТН коди		
V. Телевизорлар				
1.	Телевизорлар, телевизион алоқани қабул қилиш учун аппаратлар	8528 72 — 8528 73 000 0		
VI. Совутгичлар				
1.	Маиший совутгичлар-музлатгичлар	841810		
2.	Совутгичлар	8418 21 — 8418 29 000 0		
VII. Кондиционерлар				
1.	Кондиционерлар	8415 10, 8415 20 000 9, 8415 81 009 0, 8415 82 000 9		
VIII. Электр дазмоллар				
1.	Электр дазмоллар	8516 40		

- 3. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларининг 41-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «41. Бозорлар маъмурияти томонидан бир марталик йигимлар ва ижара хаки туловларини қабул қилиш мажбурий тартибда фискал хотирага эга булган назорат-касса машиналарини қуллаган холда амалга оширилади.

100 ва ундан ортиқ турғун савдо шохобчалари ва савдо ўринларига эга бўлган бозорлар ва уларнинг филиалларида бир марталик йигимлар ва ижара ҳақи тўловлари фақат автоматлаштирилган тарзда банк тизими орқали ҳисобга олиш йўли билан, тўловнинг тўликлиги давлат солик хизмати органлари ходимлари томонидан ҳар куни текширилган ҳолда ундирилади».

- 4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 апрелдаги 63-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш буйича пулли хизматлар курсатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби турисидаги низомнинг 11-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «300 ва ундан ортик тургун савдо шохобчалари ва савдо ўринларига эга бўлган бозорлар ва савдо комплексларида автотранспорт воситаларини вактинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатилган холларда мажбурий тартибда автотранспорт воситалари кириб келган ва чикиб кетган вактни қайд этиш функциясига эга бўлган электрон хисоблагичлар ўрнатилади».